



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – пс х.д

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти ..	4
Bohodirov I, Jurayev B. Turkistonda XIX asr o'rtalarida armiya va harbiy ta'lim (Buxoro misolida) ..	6
Йўлдошев А. Қирғизистон ўзбеклари жамоат ташкилотлари тарихига бир назар ..	10
Патхиддинов Р. Фарғона вилоятида безгак касаллиги ..	14
Раджабов О. Индустрлаштириш йилларида Ўзбекистон темир йўл тизимининг матбуотда ёритилиши ..	17
Элмуратова Ш. Давлат намоёниси Усмон Юсупов уй-музейининг ташкил этилиши, фаолиятининг муҳим йўналишлари ..	19

Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология

Abdullayev N. Biologiya va kimyo fanlariga muvofiq tizimli tahlil asosida fizikani o'qitish metodlari ..	23
Абдуллаева Ч. Оксионализми в рекламном дискурсе ..	26
Абдуллажанова Д. Влияния социальных стереотипов как фактор женской активности в управлении ..	30
Алимова М. Маҳалла институти – жамоатчилик назоратининг бир кўриниши ..	34
Alimova N. Use of innovative methods in teaching world literature use of innovative methods in teaching world literature ..	37
Aralov M. Talabalarni o'qitishda dasturiy vositalar yordamida kartalar bilan ishlash hamda tizimli yondashuv asosida o'qitishni takomillashtirish ..	40
Aslanova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mutolaaga qiziqitirishda o'yin-mashqlardan foydalanishning afzalliklari ..	44
Ахмаджонов О. Замонавий жамиятда электрон маданиятнинг хусусиятлари ..	47
Бурханов Х. Рақамли жамиятда миллий сегмент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ..	50
Valiyeva Sh. The importance of multimedia in education ..	54
Давидов У. Глобаллашув жараёнида миллий ғоя -мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш омили сифатида ..	57
Зияева М. Лойиҳалаш мустақил таълимни ривожлантиришнинг дидактик воситаси сифатида ..	60
Ibaydullayeva U. Ota-ona va farzand o'rtasidagi nizoning psixologik omillari ..	63
Ибрагимов А. Таълимда когнитив тадқиқотлар: назария, шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари ..	66
Ishonxanova I. Umumta'lim maktablarining 6-sinfida alisher navoiy hayoti va ijodining o'rganilishidagi muammolar ..	69
Қандов Б. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ижтимоий-фалсафий асослари ..	73
Quvondiqov S. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти ..	77
Мирзакулов И. Узлуксиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш ..	80
Мухаметов А. Юқори малакали спорчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириш усуллари ..	83
Мухаммадиев К. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштириш ..	86
Назаров С. Жисмоний машқлар орқали ўқувчиларда чарчокни олдини олиш воситалари ..	90
Назирова Қ. Узлуксиз мусиқа таълими тизимида инновацион ёндашув ..	92
Raurova L., Axmedova M. Oliy filologik ta'limda talabalarning nutqiy kompetentsiyasni rivojlantirishda kredit-modul tizimiga o'tishning amaldagi holati va istiqbollari ..	95
Raximov V. Talabalarda sog'lom turmush tarzi hayotiy ko'nikmalarini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlarini takomillashtirish ..	98
Рахманов Б. Миллий ғояни ривожлантириш омиллари ..	101
Ruziyev A. Brass usulida suzish texnikasini o'rgatish ..	105
Сандова К. Человек как субъект жизни в русской экзистенциальной философии ..	109
Saidazimova I., Tahirova N. Motivation in foreign language acquisition: analysis of the shift from intrinsic to extrinsic motivation ..	113
Тошматов А., Рисқулова М. Таълимда мавзулаштирилган видеодарсликлар яратиш ..	117
Тоштемирова С. Узлуксиз таълим тизимида тарих фанларни ўқитишнинг педагогик стратегиялари ..	120
Тўраев Ш., Оймиров С., Мухиддинова М. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларида хавфларни баҳолашнинг жорий қилишнинг асослари ..	124
Turakulov O., Halimov O'. Muhandis mutaxassislarida matematik kompetentligini rivojlantirish vositasi sifatida ikki karrali integrallarni hisoblash usullari ..	129
Туракулова А. Вовлеченность родителей в жизнь детей и её последствия для развития ребенка ..	133
Umarov B. Post modernist methods of teaching foreign language ..	136
Урунова Ш. Инглиз тили ўқитишда терминологик лексикани ўзига хос хусусиятлари ..	139
Усмонов А. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти ..	142
Файзиева О. Силовая подготовка в физическом воспитании студентов ..	145
Xasanova S. Maktabgacha yosh davri bolalarida qo'rquv va xavotirlanish holatlarini yuzaga keltiruvchi omillar ..	149
Холиқов С. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий асослари ..	152



УДК: 341.231.14; 342.7

Баҳодир ҚАНДОВ,

Чирчиқ давлат педагогика институтини доценти, фалсафа доктори (PhD),

E-mail: kandov1976@mail.ru

SOCIO-PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN RIGHTS AND FREEDOMS IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Abstract

The article argues that the protection of human rights in the context of globalization has become a particular problem, and today it helps to recognize the priority of international law in interstate and international relations. At the same time, the author writes that in real life, especially in some democracies, the interests of the state are clouded by human interests, which leads to the creation of systems that discriminate against human rights.

The article also describes some optimization processes in this area and the possibility of implementing the principles of human rights.

Key words: state, society, globalization, law, human rights, international law, ethics, philosophy, social, problem, freedom, human rights.

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ОСНОВЫ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Аннотация

В статье утверждается, что защита прав человека в условиях глобализации стала особой проблемой, и сегодня она способствует признанию приоритета международного права в межгосударственных и международных отношениях. В то же время автор пишет, что в реальной жизни, особенно в некоторых демократиях, интересы государства омрачаются человеческими интересами, что приводит к созданию систем, дискриминирующих права человека.

В статье также описываются некоторые процессы оптимизации в этой области и возможности реализации принципов прав человека.

Ключевые слова: государство, общество, глобализация, право, права человека, международное право, этика, философия, социальное, проблема, свобода, права человека.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация

Мақолада глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида муаммога айлангани ва у бугунги кунда давлатлараро, халқлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинishiга хизмат қилаётгани асослаб берилган. Айни пайтда муаллиф реал ҳаётда, айниқса баъзи нодемократик давлатларда давлат манфаатлари инсон манфаатларидан устун қўйилаётгани, бу эса инсон ҳуқуқларини камситувчи тизимларни яратишга олиб келаётгани ҳақида таъминлашни ёзган. Мақолада ушбу соҳадаги оптималлаштириш жараёни ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш тамойилларини амалга ошириш имкониятлари ҳақида ҳам муайян фикрлар баён қилган.

Калит сўзлар: давлат, жамият, глобаллашув, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ, ахлоқ, фалсафий, ижтимоий, муаммо, эркинлик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш.

Кирish. Глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш алоҳида илмий муаммога айланган. Бугун давлатлараро ва мамлакатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги тан олинаётган бўлса-да, реал ҳаётда, айниқса нодемократик давлатларда давлат манфаатлари инсон манфаатларидан устун қўйилмоқда, бу эса инсон ҳуқуқларини камситувчи тизимларни яратишга олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар демократик қадриятларни барча давлатлар учун ҳаёт тарзига айлантириш, инсон ҳуқуқларини тўла таъминлаш ва фуқоролик институтлари фаолиятини фаоллаштиришни глобал инсонпарвар жамият томон боришнинг шарти сифатида қарамоқда. Концептуал аҳамиятга эга ушбу ёндашувларни ўрганиш ҳам илмий-назарий, ҳам ижтимоий-амалий аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Инсон ҳуқуқлари – инсон шахси ва турмушининг таркибий қисми. Шу боис, инсон ҳуқуқи, унинг эркининг ҳимояси барча даврларда диний, ахлоқий, фалсафий, ижтимоий диалогнинг бош мавзуси бўлган. Хусусан, “Авесто” китобида “ҳар жиҳатдан ва ҳамма муносабатларда уйғунликка эришиладиган, уюлган, гуллаб-

яшнаётган жамият барпо этилг[1]” гоёси илгари сурилган. Қадим юнон мутафаккирлари Протагор, Ликофрон ва қадим Хитой донишманди Конфуцийнинг сиёсий, ҳуқуқий таълимотларида инсон ҳуқуқларини тушуниш учун одамларнинг табиий тенглигининг зарури-яти асосланган. Хитой файласуфи Конфуцийнинг «қилмишларнинг асослари ва тамойилларини ўргансанг, яхшилиқ ва ёмонлик ҳақидаги фикрларинг (ахлоқий билимлар) баркамолликнинг энг сўнгги даражасига етади»[2], - деган фикри глобаллашув шароитида оила ва дунёда тинчликни сақлаш, яшаш ҳуқуқи ҳимоясини намоён этади.

Ҳозирги даврда глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жаҳоннинг турли соҳадаги етакчи олим ва мутахассислари диққат марказида бўлиб келмоқда. И.И.Мазур ва А.Н.Чумаков глобалистиканинг деярли барча йўналишлари ва ҳозирги дунёда реал воқеликка айланиб бораётган жиҳатларини, шунингдек, унга қарши бўлган аксил глобалчилар ҳаракатларини қамраб олган халқаро энциклопедик лугатини напс этган[3]. Ж.А.Керимов, С.А.Алексеев, В.С.Нерсисянц[4] каби олимларнинг тадқиқотлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ижтимоий-назарий асосларини ишлаб чиқишда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш борасидаги қарор ва фармонлари, инсоннинг ижтимоий ҳимоясига йўналтирилган фикр-мулоҳазалари ва илмий-назарий ҳулосалари ушбу тадқиқотнинг норматив ва назарий асоси бўлди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муаммоларни глобаллашув кўзгуси орқали янада чуқурроқ ўрганишга бўлган интилишнинг кенгайиши ушбу мавзунинг мураккаблиги ва хилма-хиллигини очиб бериш, шунингдек, унинг моҳияти ва ижтимоий илдизларини тадқиқ этишни тақозо қилади. Глобаллашув жараёнида “инсон ҳуқуқлари” атамасини ижтимоий-фалсафий категория сифатидаги моҳиятини аниқлаш, бунга оид амалий ва назарий қарашларни фалсафий даражада умумлаштириш талаб этади. Шу нуктаи назардан қараганда, глобаллашув давлатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг ажралмас қисми бўлган бугунги даврда инсон ҳуқуқларига оид билимларни тизимлаш-тириш учун ушбу ҳуқуқларнинг табиати, уларнинг сиёсат ва ахлоқ билан ўзаро муносабатини эътиборга олиш зарур.

Бугунги мураккаб замонавий глобаллашув жараёнларининг ижтимоий ва сиёсий амалиёти инсон ҳуқуқларининг янги муаммолари, парадигмалари ва концепциялари пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилишда назарий-услубий эҳтиёжлар муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги глобаллашув шароитларида бу борада ҳам янги илмий йўналишлар ривожланмоқда, яъни инсон ҳуқуқлари фалсафаси, инсон ҳуқуқлари мангиги, сиёсатшунослик ва инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ, ижтимоий-маданий соҳадаги инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқларининг янги типологиялари, инсон ҳуқуқларининг янги авлодлари, инсон ҳуқуқлари имитацияси, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари каби мавзулар эътиборга моликдир. Илмий услублар ва ёндашувларнинг бу каби ранг-баранглиги билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари назариясининг фанлараро ва интеграл табиатга эга бўлган илмий билимларнинг мустақил соҳалари сифатида аста-секин пайдо бўлиши юз бермоқда. “Инсон ҳуқуқлари назарияси фан сифатида ушбу ҳолатнинг табиатини, унинг генезиси, ижтимоий, фалсафий, сиёсий, ахлокий, диний асосларини ўрганишга қаратилганки, ушбу феномен уларнинг контекстига киритилган. Инсон ҳуқуқлари фанида инсон ҳуқуқлари ва давлатнинг ўзаро ҳаракатини ўрганишга алоҳида ўрин ажратилган”[5].

Мазкур мақолада глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари фалсафасини инсон ҳуқуқлари назариясига киритиш ёки киритмаслик ҳақидаги мунозарали масалани четга қўйиб туриб, асосий эътиборни инсон ҳуқуқлари ижтимоий ҳолат сифатида ранг-баранг, кўп қиррали, замонавий ва гуманитар назарияда ўрганиладиган хусусиятларга бойлиги билан ажралиб турадиган тушунча эканига эътибор қаратамиз.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Маълумки, глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг илмий асосланган ижтимоий-фалсафий асослари ҳали илмий тадқиқ қилинмаган. Инсон ҳуқуқлари – бу ижтимоий феномен. Ҳаётнинг элементи сифатида инсон ҳуқуқлари бир томондан давлат ҳокимиятининг ўзбошимчилигига нисбатан қаршилиш воситаси бўлиб ҳисобланади ва унинг ҳукмронлигини чегаралайди. Бошқа томондан, улар жамиятни давлат ва бошқа тузилмаларни шакллантириш, уларнинг ишларида иштирок этишга жалб қилган ҳолда, ҳокимиятнинг халқдан узоқлашувини бартараф қилади.

Инсон ҳуқуқлари – ижтимоий ҳаётнинг ифодасидир. Бу мутлақо ижтимоий ҳолат бўлиб, у ижтимоий субъектнинг шахсий, инсоннинг асосий шахс эканлиги тамойилини акс эттиради. Ушбу ҳуқуқлар ижтимоий алоқаларни тартибга солади ва мувофиқлаштиради, жамиятнинг ҳар бир аъзоси эркинлиги ва ҳурматини умумий эзгулик ва ижтимоий барқарорлик билан уйғунлаштирувчи муносабатлар тамойиллари ва меъёрларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Инсон ҳуқуқлари ўзига хос глобал муаммо бўлиб, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни ҳимоя қилиш, дунё терроризми ва ҳарбий тўқнашувларга қарши кураш, демографик, экологик, энергетик, озик-овқат, маънавий кризисларнинг олдини олиш, ер қурраси келаёгани ҳимоя қилиш ва шу каби муаммоларни ўзида жамлайди ва интеграциялайди. Бугунги замонавий глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари институти индивидларни шунчаки катта миқёсдаги ижтимоий тизимлар билангина эмас, балки бутун Ер шаридаги инсоният билан боғлайди. Бугун халқаро терроризм ва диний экстремизм инсоният ҳаётига, цивилизацияга, келажаққа катта хавф уйғотмоқда. Бу айтиш пайтда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол қилиш ҳамдир. Тоталитар бошқаришга мойил кучлар эса хавфсизликни таъминлаш байроғи остида инсон ҳуқуқларини ўз манфаатларига мувофиқ чегаралашга интиломоқда. Ушбу ўта мураккаб ва зиддиятларга тўла вазиятда инсон ҳуқуқлари ва демократик қадриятларни шакллантириш борасида тўлланган ютуқларни асраб қолиш, уларни кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга. Глобаллашув жараёнларида улардан фойдаланиш ва глобаллашувни айрим давлатлар ёки сиёсий кучлар кўзлаётган модел тарзида эмас, балки барча давлатлар, халқлар, этномаданий парадигмалар яратадиган умумсайёравий ижтимоий бирлик сифатида қарор топтириш йўларини излаш зарур. “Бу эса глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва демократик қадриятларни мустаҳкамлаш борасида махсус тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади”[7].

Инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан ўрганиладиган мураккаб ва кўп қиррали характери бу феноменнинг у ёки бу ёндашувнинг хусусиятини намойиш этувчи таърифларининг анчагина қисмини белгилаб беради. Бунинг натижасида инсон ҳуқуқларининг чуқур моҳиятини аниқлаш, унга оид тушунчаларни тизимлаштириш, уларнинг маълум иерархиясини тузиш, яъни инсон ҳуқуқларининг фалсафий объект сифатидаги тадқиқоти муаммоси юзга келди. Бунда ижтимоий фалсафа, онтология, билиш назарияси, аксиология, этиканинг илмий воситаларидан фойдаланиш зарурияти туғилди. Бунда инсон ҳуқуқларининг моҳиятини очиб берувчи энг муҳим фалсафий элементлар – эркинлик ва инсонпарварликни ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Умуман олганда, инсон ҳуқуқларга доир ижтимоий-фалсафий тамойиллар қуйидагиларни назарда тутайди:

а) барча инсонлар эркин, ва уларнинг бу эркинлигини ифода этувчи ҳуқуқларини тан олмасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Эркинлик – бу бошқаларга зарар етказмайдиган барча ишни бажариш имкониятидир;

б) эркинлик мутлақ бўлиши мумкин эмас, чунки у ҳар бир инсонга тегишли, одамлар эса жамиятда яшайди. Эркинликнинг чекланиши улардан ҳамманинг янада тўлиқ ва кенг фойдаланиши учун зарур. Эркинликнинг ўзаро тан олинishi эркинликнинг бир қисмидан ўзаро воз кечишни келтириб чиқарадики, у эркинликнинг қафолатланган меъёри билан тақдирланади. Эркинликнинг чегаралари ҳар бир инсон учун белгиланган бўлиб

(эркинликнинг бир хил меъёри), унинг дахлсизлик моҳияти сифатида тан олинади ва белгиланади;

в) ҳамма учун бир хил белгиланган эркинлик меъёри бир вақтнинг ўзида ҳар бир инсоннинг мазкур эркинлик меъёрини бузадиган ҳамма нарсадан воз кечиш мажбуриятини кўзда тутади. Шундай қилиб, тенг меъёردа чекловсиз эркинлик бўлмайди, мажбуриятларсиз ҳуқуқлар ҳам йўқ. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар – ҳар қандай фаолликнинг ягона биргаликдаги сифатларнинг кўрсаткичларидир

г) эркинлик ва тенглик инсоннинг ички моҳиятини тавсифлагани туфайли, улар шу даражада бирламчи яъни инсоннинг туғма ҳуқуқлари ҳисобланади, қолган ҳамма ҳуқуқлар уларнинг ҳосиласидир;

д) эркинлик ва тенглик бошланғич ва келиб чиқиши табиий бўлган ҳуқуқлар юридик тамойиллар сифатида ўзгармасдир. Аммо уларнинг аниқ шакллари у ёки бу давлатлар ва жамиятларда қабул қилинган ижтимоий муносабатларга боғлиқ равишда ўзгаради[8].

Н.А. Бердяев инсон эрки ҳақида энг кўп фикр юритган ва кўп асарлар ёзган файласуф сифатида таъкидлайди: “Эрк, реал борлиқ сифатида, рационал, интеллектуал фалсафа учун иррационалдир, бироқ руҳнинг бутунлигига кўра фалсафа учун уни англаш мумкин ҳодисадир”[9]. Шу нуктаи назардан у, “фалсафа эркин бўлиши зарур, ҳақиқат излаши зарур, шунинг учун ҳам эркин фалсафа, эрк фалсафаси илоҳийга келади, фақат руҳнинг ҳаётни бутун идрок этиши орқали ҳақиқатни ва борлиқни англайди”[9], деган хулосага келади. Лекин файласуфнинг иррационали, илоҳий ҳақидаги фикри ижтимоий борлиқдан узилган мутлақ трансценденция эмас, улар инсоннинг ўзлигини англашга, ўз руҳидаги яратилшга, англашга бўлган куч-қудратни илғашга, умуман, бутунни идрок этишга қаратилгандир. Унинг фикрича инсоннинг ижтимоий борлиқдаги, давлат, сиёсий институтлар, оила, фаолияти билан боғлиқ эрк ва ҳуқуқларини ҳам “эркин руҳнинг эҳтиёжи”, “руҳ даъватлари”, ушбу руҳларга монанд фалсафанинг изланишлари бўлиб ҳисобланади. Чунки, ўз руҳни, руҳнинг бутунга интилиб эрки, озодликни англашигина инсонни ижодга, яратилшга, англашга, бетакрор йўлдан боришга ундайди, “персоналланган фалсафа”ни бутун билан боғлайди. Худди шу нуктада шахс руҳи билан бутун руҳи, шахс фалсафаси билан умуминсоний фалсафа, шахс эрки, ҳуқуқи билан умуминсоний эрк, ҳуқуқ уйғунлашиб, яхлитлик касб этади. Ушбу уйғунлик бўлмаса, яхлитликка эришилмаса шахс билан ижтимоий борлиқ, руҳ билан трансценденция, эрк билан масъулият ўртасида “хитой девори” пайдо бўлади, эрк эрксизликка, ҳуқуқ ҳуқуқсизликка, яъни эрк ва ҳуқуқ айрим шахсларнинг зўравонлиги, бедодлиги, анархиясига айланади. “Рух эркинлиги” ёки “эркин руҳ” дейилганида эса, хусусий (шахсий) билан умумий (умуминсоний) ўртасидаги боғлиқли, эрк, ҳуқуқ деганида эса шахснинг, шахс руҳининг бутунга, умуминсонийга интилиши назарда тутилади. Шунинг учун ижод, эрк, руҳ “Худодан пастга эмас, балки инсондан Худога йўналтирилган бўлади”[10]. Бу аслида “персоналистик фалсафа” назариясидан келиб чиққан хулосалардир.

Ижтимоий борлиқ учун инсоннинг жавобгарлигини, масъуллигини таъкидлашга қаратилган фикрлар ҳам муҳим. Чунки, инсонга эрк, ҳуқуқ, имкониятлар бериш қанчалик ютуқ, олийжаноблик бўлмасин, улар масъулиятсиз қолиши, масъулиятсизликни келтириб чиқариши мумкин эмас. Шу жиҳатдан ҳам бугун фалсафий – ҳуқуқий адабиётларда кенг муҳокама қиладиган ҳуқуқ ва ахлоқ (масъулият, жавобгарлик, эзгуликни қарор топтириш ва бошқалар) уйғунлиги, уларнинг бири-бирига боғлиқлиги масалалари диққатни тортмаслиги мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари кўп жиҳатдан ахлоқ категорияси бўйича (одамийлик яхшилик сифатида) ва ахлоқий намуна сифатида баҳоланди, шахснинг ижтимоий-ахлоқий шаклланишининг манбасига айланди.

Инсон ҳуқуқлари феномен сифатида ижтимоий-фалсафий, гуманистик, ахлоқий ёндашувлар ҳамда эркинликнинг кўп қиррали хусусиятлари ва эркинлик меъёрларини намоён этади. Хусусан, ахлоқ нафақат ташқи эркинлик чегараларини белгилайди, балки шахснинг ўз ички чекловини ҳам талаб этади. Ахлоқийлик мақсадлар ва фойдаланилган қадриятлар бўйича ҳам баҳоланади. Агар воситалар ахлоқсиз бўлса, унда мақсад ҳам ахлоқсиздир. Ўз ҳуқуқларини ахлоқсиз воситалар ва усуллар билан амалга ошириш инсон ҳуқуқларини идеал сифатида бадном қилмай қолмайди.

Шу тарзда, фалсафий нуктаи-назардан инсон ҳуқуқлари-бу индивидуалнинг одамийлик, обрў-эътибор тамойилларига асосланган ва унинг эркинликлари меъёрларини белгилаб берадиган жамият ва давлат томонидан қафолатланадиган ва рағбатлантириладиган шахс ривожланишининг ажралмас хусусиятлари, энг муҳим имкониятларидир.

-Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations). Хулоса қилиб айтганда, иккинчи жаҳон уришидан сўнг инсон ҳуқуқларининг янги авлоди сифатида қабул қилинган халқаро декларациялар гувоҳлик беришича, ҳозирги вақтда дунёда инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳақиқатан ҳам инсонни универсал англаш тенденциясини тасдиқлайди. Бундай англашнинг асоси сифатида аввало ижтимоий ҳуқуқий соҳа чиқадики, шунинг ўзи ижобий ҳолат. Аммо, универсал меъёрларни амалга оширишнинг ижобий томонлари инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий моҳияти чуқурлаш-тирилган ва аниқлаштирилган ҳолдагина очиладики, бу нарса унинг замирида шахснинг эркин ривожланиши ва ўз-ўзини камолга етказиши, унинг қадр-қиммати ва бахти каби буюк қадриятларни сақлаб қолиш билан боғлиқ бўлган азалий саволга жавоб шакллантирилгандагина амалга ошади.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг глобал вазифа экани исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Жамият билан шахс, инсоният билан инсон ўртасидаги муносабатларнинг мувофиқлаштирилиши, уйғунлаштирилиши глобал тараққиётнинг партидир. Шунинг учун айнан глобал тараққиёт масалалари инсон ҳуқуқларини ҳам унинг мақсадига мувофиқ ҳал этишга ундайди ва бу борада ҳар биримизга улкан масъулият юклайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Safa-Isfēhani N. Rivayat-i Hemat-i Asawahistan: A Study in Zoroastrian Law (Harvard Iranian Ser). – Cambridge, 1980. Vol. 2. – P.1.
2. Будда. Конфуций. Жизнь и учение. – Москва: “Наука”, 1995. – С.139.
3. Глобалистика. Международный междисциплинарный энциклопедический словарь. – Москва: Санкт-Петербург, – Нью Йорк, 2006.
4. Қандов Б.М. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқларининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа доктори (PhD)... дис. автореф. – Т., 2020. – Б. 60.
5. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Топкент: “Konsaudinform-Nashr”, 2006. – Б.24.

6. Лукашева Е.А. Права человека. (учебник) – Москва: Норма, 2013. –С.3.
7. Kandov B.M., Kalkanov E.T., Alimuhammedova N.Ya. Social and Philosophical Aspects of Globalization. International Journal of Recent Technology and Engineering, Volume-8 Issue-3, September 2019. – P. 4523-4525.
8. Глухарева Л.И. Права человека в современном мире. – Москва: Юристъ, 2014. –С.70-71.
9. Бердяев Н.А. Философия свободы. Смысл творчества. – Москва: «Правда», 1989.
10. Бердяев Н.А. Диалектика божественного и человеческого. – Москва: «Фолио», 2005.